SHU AZIZ VATAN BARCHAMIZNIKI!

ISTIQBOL

№ 43
(6195)
2025-yil
31-oktyabr
Juma

Gazetaning QR-kodi
www.zangiota-istiqbol.uz

Zangiota tumani hokimligi ijtimoiy-siyosiy gazetasi ❙ 1934-yil 10-iyuldan chiqa boshlagan



Гулларга шайдо кўнгиллар

– Онаси, қара, кеч куз бўлишига қарамай гулларимиз ҳамон чамандек бўлиб очилиб ётибди-я, – деди М.М.Хоразмий номли маҳаллада истиқомат қилувчи Рустам ака Комилов Хосият опага, – буларнинг барчаси сенинг гулларга бўлган 50 йиллик ишқибозлигинг орқасидан.

(Бу ҳақда газетамизнинг келгуси сонида ўқийсиз).

► *Ҳокимлик соатида*

МУҲИМ МАСАЛАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Туман ҳокимлиги мажлислар залида навбатдаги ҳокимлик соати бўлиб ўтди.

Йиғилишни туман ҳокими Эркин Рустамов бошқарди.

Туман фаоллари иштирок этган йиғилишда 2025 йилнинг учинчи чораги якунлари бўйича туман ҳокимлиги фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичлари муҳокама қилинди.

Ҳокимлик соатида яна бир муҳим масала кўриб чиқилди. Бу, аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш, бу муҳим жараёнга тайёргарлик ишларидир.

Маълумки, 2025 йил 19 сентябрда Президентимизнинг “Аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш тадбирини ўтказиш тўғрисида”ги фармони қабул қилинган эди. Фармонга асосан 2026 йилнинг 15 январидан 28 февралигача мамлакатимизда аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш тадбири ўтказилади. Бу жараён мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини стратегик режалаштиришда муҳим аҳамиятга эга.

(Давоми 2-саҳифада) ▶

► *Ободонлаштириш ойлиги*

ТОЗАЛИКДА ТАНАФФУС ЙЎҚ

Юртимизда куз фасли ҳукмрон. Бу фасл ўзининг тўкин-сочинлиги билан бир қаторда ободонлаштириш ишларига доимгидан ҳам кўпроқ эътибор қаратишга муҳтожлиги билан алоҳида ажралиб туради. Чунки бу фаслда икки фасл ям-яшил бўлиб атрофга кўрк бағишлаб турган дарахтлар япроқлари сарғайиб, қизариб тўкилади, бир йиллик гуллар қурийди, далалар йиғиштириб олинган экинлар қолдиқларидан тозаланиши керак бўлади.

2



ФАРЗАНД ТАЪМИНОТИДА ОТАНИНГ БУРЧИ

► *Семинар*



Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 14 октябрь куни маҳалла тизимини янада такомиллаштириш ва жойларда ишларни самарали ташкил этиш масалалари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида яна бир муҳим масала маҳаллалардаги ижтимоий муҳит ва ёшлар тарбияси бўйича ечим топилиши керак бўлган бир қатор масалалар кўрсатиб ўтилди.

2

“ISTIQBOL” газетасига 2026 йил учун ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА



Агар туман ижтимоий-маданий ҳаётидан хабардор бўламан;
турли касб эгалари, турли тақдирлар ҳақидаги мақолаларни ўқийман;
маънавиятимни юксалтираман, десангиз
туман ижтимоий-сиёсий газетаси –

“ИСТИҚБОЛ”га 2026 йил учун обуна бўлинг!

ISTIQBOL
2025-yil 31-oktyabr / Juma / № 43 (6195)

МУҲИМ МАСАЛАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Рўйхатга олиш орқали аҳолининг ёши, оилавий ҳолати, таълим даражаси, миграция жараёнлари, иш билан бандлиги ва даромад манбалари ҳақида ягона маълумотлар базаси шаклланади.

Туман ҳокими шу ҳақда гапирар экан, тадбир икки босқичда ўтказилиши: дастлабки 17 кунда фуқаролар“census.stat.uz” портали орқали ONEID тизими ёки ЖШШИР (жисмоний шахснинг шахсий идентификацион рақами) ёрдамида онлайн рўйхатдан ўтиши, кейинги босқичда эса “маҳалла еттилиги” ва бошқа фаоллар уйма-уй юриб, маълумот тўплашлари, бу жараёнларга масъулият билан ёндашиш зарурлигини таъкидлади. Бу жараённи амалга ошириш учун масъуллар олдида турган вазифалар, жалб этилиши керак бўлган мутахассислар, уларнинг вазифалари, аҳоли ўртасида олиб бориладиган тарғибот-ташвиқот ишлари ва бошқаларга батафсил тўхталди.

Йиғилишда даврий нашрларга обуна масаласи ҳам кўриб чиқилди.

Д.КАМОЛОВА.

ФАРЗАНД ТАЪМИНОТИДА ОТАНИНГ БУРЧИ



Масалан, оилалар ажримлари, алимент тўлашдан бўйин товлаш, оиласи ва болаларини кредит қарзлари билан ташлаб кетиш ҳолатлари учраётгани, яқин қариндошлар ўртасидаги ва эрта никоҳларнинг салбий оқибатлари барчани – ҳокимлар, “маҳалла еттилиги”, нуронийлар, бутун жамоатчиликни қаттиқ ташвишга солиши кераклиги алоҳида қайд этилди. Оила қуриш бу – нафақат ўзи, балки турмуш ўртоғи ва фарзандлари олдидаги катта масъулият эканини ёшларга тушунтириш, ажримларда тарафлар, айниқса, фарзандлар оғир моддий аҳволга тушишининг олдини олиш учун никоҳ шартномаси тузишнинг афзалликларини тарғиб қилиш лозимлиги таъкидланди.

Шундан келиб чиққан ҳолда юқори алимент қарздорлигини камайтириш ва оилавий масалаларда масъулиятни ошириш мақсадида туманимизда семинар ташкил этилди. Унда Тошкент вилоятининг 22 та туман ва шаҳар ҳокимларининг хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосарлари, Мажбурий ижро бюроси раҳбарлари ҳамда маҳалла еттилиги вакиллари иштирок этдилар.

Семинарда сўз олган МИБ Тошкент вилояти бошқарма бошлиғи Ориф Бозоров, Тошкент вилояти ҳокимининг ўринбосари, Оила ва хотин-қизлар бошқармаси бошлиғи Нилуфар Нормирзаева, Зангиота тумани прокурори Алишер Жўраевлар Тошкент вилояти ҳокимининг ташаббуси билан Зангиота туманида ташкиллаштирилаётган мазкур тадбирни уюшқоқлик билан ўтказиш лозимлиги, бу тадбир қанчадан-қанча нотинч оилаларнинг ярашишига, натижада мавжуд муаммоларнинг барчасига ечим топилиб, ижобий ҳал этилишига туртки бўлишини таъкидладилар.

Тадбир давомида юқори алимент қарздорлигини бартараф этиш бўйича “Йўл харитаси” тушунтирилди.

Семинардан сўнг туман фаоллари маҳаллаларга йўл олишди, алиментни тўлашдан бўйин товлаб юрган фуқароларнинг уйларига боришиб, шароитларини ўрганишди, ишсизларни ишга жойлаштириш, шу тариқа фарзандлари таъминотини йўлга қўйишлари чораларини кўришди. Нотинч оилалар яраштирилди.

Бу ишлар давом эттирилмоқда.

Дилбар ШАРИПОВА.

Тозаликда ТАНАФФУС ЙЎҚ

Бу ишлар эса бир кунлик эмас, дарахт япроқлари ҳар куни тўкилади… Бу ишлар эса вақт кутмайди. Шу боисдан ҳам кузги юмушлар, айниқса, ободонлаштириш ишларида танаффус бўлмаслиги керак. Қолаверса, кузги ободонлаштириш теварак-атрофга алоҳида кўрк бағишлаб, одамни олтин кузнинг тароватидан баҳра олишга ундайди.



Жорий йилнинг 14 октябрь куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида маҳалла тизимидаги ислоҳотларни янги босқичга олиб чиқиш ҳамда жойларда ишларни самарали ташкил этиш масалалари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида 15 октябрдан юртимиз бўйлаб “Тозалик ойлиги” бошланишининг белгиланганлиги ҳам ана шу мақсадларга хизмат қилиши шубҳасиз.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Ушбу вазифалар, шунингдек, "2025 йил – Атроф муҳитни асраш ва “яшил" иқтисодиёт йили" Давлат дастури асосида туманимизда ҳам “Тозалик ойлиги” тадбирлари қизғин давом этмоқда.

Тумандаги йўл бўйларини ободонлаштириш, дарахтларни оқлаш, бегона ўтлардан тозалаш, лотокларни, сув йўлларини, кўп қаватли уй-жойлар атрофлари, ижтимоий соҳа объектлари ҳамда уларга туташ ҳудудларни тартибга келтириш, бозорлар ва маҳаллаларда ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда.





Зангиота, Ўртаовул ҳудудларидан ўтувчи темир йўл атрофларида амалга оширилаётган ободонлаштириш ишлари, айниқса, эътиборга молик. Бу ердаги дарахтлар буталиб, қуриган ўтлар тозаланиб, чиқиндиланр ташиб кетилмоқда.

Ҳали олдинда бу борада амалга ошириладиган ишлар талайгина.

Яна бир гап, айрим масъулиятсиз фуқаролар томонидан чиқиндилар, айниқса, ҳали қуриб улгурмаган дарахт япроқларини ёқиш ҳолатлари учраб туради. Бундай ҳолатларга йўл қўймаслигимиз керак, чунки тутун табиатга ҳам, инсон саломатлигига ҳам катта зиён етказади.





Унутманг, тураржойларимиз ободлиги кўзларимизга завқ, кўнгилларимизга кўтаринкилик бағишлайди. Демакким, тозалик бор жойда саломатлик ҳам бўлади.

Жамила АРСЛОНОВА.

ISTIQBOL
2025-yil 31-oktyabr / Juma / № 43 (6195)

► *“Еттилик” ҳисоб берди*

“ЕТТИЛИК” ҲАМЖИҲАТ БЎЛСА, ИШСИЗЛИК ҲАМ, ЖИНОЯТ ҲАМ БЎЛМАЙДИ

“Тўқимачи” туманимиздаги ривожланиш сари юз тутиб, тобора обод ва кўркам бўлиб бораётган маҳаллалардан биридир. Бу ҳам бўлса маҳалла фуқаролар йиғинида фаолият юритаётган “еттилик”нинг аҳоли билан ҳамжиҳатликда, бирдамликда олиб бораётган ишларининг самарасидир.

Маҳаллада ўтган йиллар ичида “Обод хонадон”, “Обод кўча”, “Обод маҳалла” ҳаракати доирасида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилди. Эҳтиёжманд оилалар, боқувчисини йўқотганлар, ногиронлар ҳамиша қўллаб-қувватланмоқда, аҳоли томонидан тушган таклиф ва муаммолар бирин-кетин ечимини топмоқда.

Маҳаллада тадбиркорлик ҳам ривожланиш сари юз тутаяпти. Натижада ишсизлар сони камайиб бораяпти. Ўтган 9 ой мобайнида 165 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди. “Сайхунобод” тажрибаси асосида кредит ажратиш ҳисобига 40 та микролойиҳалар, шунингдек, маҳаллада намуна қилиб кўрсатиш учун камида 10 та кам даромадли оилалар даромадини 60-70 миллион сўмдан ошириш юзасидан лойиҳалар амалга оширилмоқда. “Уйчи” тажрибаси асосида фаол мижозлар билан учрашувлар ташкил этилиб, учрашувларда кўтарилган масалаларни ҳал этиш орқали аҳолини доимий ишга жойлаштириш чоралари кўрилмоқда.

Жорий йилда “Аёллар дафтари”га 65 нафар хотин-қиз киритилган бўлиб, ногиронлиги бўлган 12 нафар, қарамоғида ногирони бор 7 нафар хотин-қизга бир маротабалик моддий ёрдам пуллари берилди. “Бувижонлар мактаби” аъзолари ва маҳалла еттилиги ҳамкорлигида маҳаллаларда оилаларни мустаҳкамлаш, тўй-маъросимларни камхарж ўтказиш, миллий қадриятларни тарғиб қилиш, фарзанд тарбияси каби қатор масалаларда кўзга кўринарли ишлар амалга оширилмоқда.

Маҳалла ёшлари ҳам эътибордан четда эмас. Ҳарбий сафарбарликка борувчи 2 ёшга ёрдам берилди, 2 нафар ёшнинг тўлов шартномаларини тўлаб бериш чоралари кўрилди.

Фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 3 нафар фуқаронинг ижтимоий ёшга доир нафақа олишига кўмаклашилди, 53 та кам таъминланган оилалар қайта ўрганилиб, шундан 9 нафарига қайта сўровнома ўтказилди ва рўйхатдан чиқариш бўйича таклиф киритилди. Боқувчисини йўқотган 2 та камбағал оилага хомий бириктирилди, бир фуқарога ссуда асосида 10 миллион сўмлик асбоб-ускуналар ажратиш бўйича ариза киритилди. 11 нафар кам таъминланган оилалар фарзандларига ўқув стол-стуллари берилди.

Яқинда “Тўқимачи” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Олим Камолов ва “еттилик” бошқа аъзоларининг маҳалла аҳолисига жорий йилнинг 9 ойи ичида амалга оширилган ишлар ва келгусидаги режалар ҳақида қилган ҳисоботида ана шулар ҳақида гап борди, ҳар бир масалага атрофлича тўхталиниб, келгусидаги ишлар муҳокама қилинди, таклифлар инобатга олинди.

Ўтган ҳафталар давомида тумандаги барча маҳаллаларда ана шундай ҳисобот йиғилишлари бўлиб ўтди. Йиғилишларда Давлатимиз раҳбари раислигида жорий йилнинг 14 октябрь куни маҳалла тизимини янада такомиллаштириш ва жойларда ишларни самарали ташкил этиш масалалари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида соҳага оид сурилган қатор янги ташаббуслар билан аҳоли таништирилди. Йиғилишларда аҳолига маҳаллаларда амалга оширилган ишлар ҳисоботи берилди, 2026 йил учун белгиланган режалар, янги лойиҳалар ва маҳаллаларни ривожлантиришга қаратилган устувор вазифалар муҳокама этилди.

Жамила АРСЛОНОВА.

► *Қиш яқин, тайёрмисиз?*

БУГУНГИ ҲАРАКАТ – ЭРТАНГИ ХОТИРЖАМЛИК

Кузнинг охирги ойи ҳам кириб келмоқда. Ундан кейин қиш. Хўш, бу совуқлари билан “сийлайдиган” масъулиятли кунларга туманимизда қандай тайёргарлик кўрилмоқда?



Туман прокурори Алишер Жўраев туман ишчи гуруҳи ва туман “Иссиқлик таъминоти” масъул ходимлари билан биргаликда куз-қиш мавсумига тайёргарлик жараёнини ўрганди.

Қишки мавсумда кўп қаватли уйларни иссиқлик билан мунтазам таъминлашда пухта тайёргарлик муҳим аҳамият касб этади. Шу боисдан ҳам туман прокурори 1 ва 2-қозонхоналар фаолияти билан танишди, амалга оширилаётган ишларни кўздан кечириб, мавжуд муаммоларни ўрганди.

Ўрганиш жараёнида аниқланган муаммолар ва камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли кўрсатма ҳамда тавсиялар берди.

Шунингдек, масъулларга маҳаллалардаги кўп қаватли уйларни иссиқлик билан таъминлашда узлуксиз иш олиб бориш, жараённи жадаллаштириш ва мавжуд муаммоларни тез фурсатда ҳал этиш зарурлиги таъкидлаб ўтилди. Чунки вақтида бартараф этилган муаммолар қиш мавсумини қийинчиликларсиз ўтказишда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Ўз мухбиримиз.

► *Хавфсиз оила ойлиги*

АЖРАШИШ ОСОН, КЕЙИН-ЧИ?

Оила-жамиятнинг бир бўлаги. У қанча мустаҳкам бўлса, юрт келажаги ҳам порлоқ бўлади. Соғлом оилада тарбияланган фарзандлар ватан равнақи, келажак авлодларнинг пойдевори бўладилар. Афсуски, буни кўпчилик ёшларимиз, ҳаттоки айрим ёши катталар ҳам тушуниб етмаяптилар.



Мана бугун ҳам Зангиота тумани ҳокимлиги биносида ажрим ёқасига келиб қолган оилаларнинг навбатдаги муҳокамаси ўтказилди. Мазкур тадбир Зангиота туманлараро суди судьяси О.Баракаев, туман бош имом хатиби И.Шокиров, Нуронийлар кенгаши вакили, туман ҳокимлиги бош мутахассиси С.Очиловалар билан биргаликда олиб борилиб, 10 та ажрим ёқасидаги оилалар масаласи кўриб чиқилди.

Олиб борилган тушунтириш ишларидан сўнг оилаларнинг биттаси яраштирилди, иккитасига мухлат берилди, иккитасида 2-томон қаршилик билдирган бўлса, қолган бештаси фикрида қатъий қолди.

Ярашган ёшларни кўриб одамнинг кўнгли чоғ бўлса, қаршилик билдирган тарафлар, ўз фикридан қайтмасдан “оёқ тираб” турган ёшларни кўриб дилингиз хуфтон бўлади. Оила ўйинчоқ эмаски, уни бир-икки марта ўйнагач ёки салгина эскиргач ташлаб юборсанг. Нима учун бугунги кунга келиб кўпчилик ёшларнинг муросаси келишмай қолаяпти? Буни тўқликка шўхлик деб биламан. Уйда аёлларимиз учун барча шароитлар яратилган. Йигитларимизнинг ишлаб, рўзғор тебратишлари учун маблағ топиш ҳам муаммо эмас. Ишлайман деган одамга ҳамма вақт ҳам иш топилади. Балки ойлиги камроқдир. Лекин тирикчиликка етади. Ҳаракат қилинса, янада кўпроқ пул топиш имконияти ҳам йўқ эмас. Бироқ, шундай аёллар ҳам борки, турмуш ўртоғининг топганига қаноат қилмайди, рўзғори бирданига мўл-кўл бўлиб қолса, кийим-кечак ҳар ойда янгиланса, бошқа орзу-ҳаваслари ҳам тезроқ ушалса... Лекин айрим эркаклар ҳам борки, рўзғори учун жон куйдирмайдиган. Баъзи қайноналар ҳам ҳаддидан ошиб туради... Буларнинг ҳаммаси турмушнинг майда-чуйда ташвишлари ва уларнинг ҳаммасига даво топса бўлади. Бунинг учун оилада меҳр-муҳаббат, сабр, қаноат бўлиши керак.

Оилани барбод қилишдан осони йўқ. Лекин ёшлар бир ўйлаб кўринг, ҳаётнинг энг азиз ва ширин неъмати бўлган фарзандларнинг етим бўлишига қандай кўзингиз қияди? Калта ўйлайдиган аёл, айтинг-чи, фарзандингизнинг отасиз ўксиган ярим кўнглини қандай тўлдира оласиз? Эй, ота, аслида ота деган номга нолойиқ йигит, кечқурун ишдан қайтганингизда фарзандларингизнинг “адажон”, деб югуриб келиб бағрингизга отилишини, оёқларингизни қучоқлашини қўмсамайсизми?! Сизни соғиниб кўзлари йўлларга термуладиган фарзандларингиз бир умр кўз ўнгингиздан ўтиб, афсусланмайсизми?

Ажраб кетиш осон, лекин ўртадаги болаларнинг тақдири нима бўлади? Ажрашишдан аввал ана шуларни яна бир бор ўйлаб кўринг, ҳали ҳам кеч эмас...

Гулсара ТИЛЛАЕВА,
туман ИИБ ХПБ хотин- қизлар масалалари бўйича катта инспектори.

ISTIQBOL

2025-yil 31-oktyabr / Juma / № 43 (6195)

ҲАМКОРЛИК ТЎҒРИСИДА БИТИМ

Яқинда Россия Фанлар академиясининг Давлат ва ҳуқуқ институтида Россия Фанлар академиясининг Давлат ва ҳуқуқ институти ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Давлат ва ҳуқуқ институти ўртасида илмий ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди.



► *Депутат ва таълим*

Ҳужжат Россия Фанлар академияси Давлат ва ҳуқуқ институти директори, Россия Фанлар академияси академиги, юридик фанлар доктори, профессор А.Н.Савенков ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Давлат ва ҳуқуқ институти директори, юридик фанлар доктори, профессор, Халқ депутатлари Зангиота тумани Кенгаши 11-округ депутати М.Т.Турғунов томонидан тантанали равишда имзоланди.

Халқ депутатлари
Зангиота тумани Кенгаши.

► *Эътироф*

НИГОРА – ЮНЕСКОНИНГ ХИЗМАТ КЎРСАТГАН САНЪАТ АРБОБИ УНВОНИ СОҲИБИ



Бундан 40 йилча аввал Нигора эндигина мусиқа соҳасидаги ўқишини тугатиб, туманимиздаги 13-мусиқа ва санъат мактабига ишга кирган, ҳар куни эрта тонгдан қўлига дуторини олганча севимли ишига йўл оладиган келинчак эди. Маҳалла аёллари унга хавас билан боқишар, гап-гаштакларга чақиришиб, дуторидан таралаётган оҳангга маст бўлганча, ҳузурланишарди.

Йиллар ўтди, Нигора ўз устида кўп ишлади, изланди, кўплаб янги куйлар яратди, ўнлаб шогирдларни тарбиялаб вояга етказиб, устоз деган номга сазовор бўлди.

Маънавият тарғиботчилари гуруҳи аъзоси, “Турон” халқаро композиторлар уюшмаси раҳбари, бастакор Нигора Холхўжаевани нинг ўзбек мусиқа санъатига қўшган салмоқли ҳиссаси эътибордан четда қолмади. У Бирлашган миллатлар ташкилотининг Таълим, фан ва маданият бўйича ташкилоти – ЮНЕСКОнинг алоҳида эътирофига сазовор бўлди. ЮНЕСКОнинг хизмат кўрсатган санъат арбоби унвони тумандошимиз Нигора Холхўжаевага топширилди.

Бу юксак эътироф Нигорани янада ғайрат ва илҳом билан ишлашга руҳлантириб юборди.

Ж.АМИРОВА.

► *Мустаҳкам оила – юрт таянчи*

МАКТАБНИНГ НАВБАТДАГИ МАШҒУЛОТИ

Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш мақсадида ташкил этилган “Ёш оила мактаби”нинг навбатдаги ўқув машғулоти бўлиб ўтди. Унда Тошкент вилояти ҳокимининг ўринбосари, Оила ва хотин-қизлар бошқармаси бошлиғи Нилуфар Нормирзаева, туман ҳокими ўринбосари Саодат Усмонова, туман бош имом-хатиби И. Шокировлар иштирок этишди.



Ўқув машғулотида оила қуриш арафасида турган 12 жуфтликка оилавий ҳаётга тайёргарлик, бахтли оила сир-асрорлари, ўзаро ҳурмат ва масъулият каби мавзуларда тушунчалар берилди. Жуфтликларнинг оила ҳаётига тайёргарлик даражаси интерактив усуллар орқали синовдан ўтказилди.

Тадбир якунида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислар томонидан жавоб олишди. Машғулот сўнгида “Ёш оила мактаби”да таълим олган 12 жуфтликка никоҳларини ФҲДЁ бўлимида расмийлаштириш учун махсус сертификатлар топширилди.

Сайёра ОЧИЛОВА,
туман ҳокимлиги бош мутахассиси.

► *Бир маҳалладан икки хабар*

ЖОЙИДА ҲАЛ ҚИЛИНАЁТГАН МУАММОЛАР

“Бирлик” (“Деҳқонобод”) маҳалласида яшовчи боқувчисини йўқотган Д.Зоитова ҳамиша маҳалла фуқаролар йиғини томонидан қўллаб-қувватлаб келинмоқда. Унинг бу сафарги муаммосига жойларга чиқиб хотин-қизларнинг дардларига қулоқ тутаётган туман ҳокими ўринбосари, Оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиги С.Усмонова, туман ИИБ ХПБ хотин- қизлар масалалари бўйича катта инспектори, подполковник Г.Тиллаевалар ижобий ечим топишга ҳаракат қилишди.

Бугунги кунда халқ орасига кириб борган раҳбарлардан аҳоли мамнун бўлмоқда. Чунки уларнинг муаммолари оворагарчиликларсиз ўз вақтида ҳал этилмоқда.

ИБОЛИ ҚИЗ – МИЛЛАТ КЎЗГУСИ


21-мактабда “Иболи қиз — миллат кўзгуси” мавзусида маънавий-маърифий учрашув тадбири ташкил этилди. Тадбирда туман ҳокими ўринбосари, Оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи С.Усмонова, туман ИИБ ХПБ хотин-қизлар масалалари бўйича катта инспектори, подполковник Г.Тиллаева, 18-ҚОП бош шифокори Г.Абилқосимовалар иштирок этдилар.

Суҳбат давомида қизларнинг одобахлоқи, эрта турмушнинг олдини олиш, миллий қадриятларни асраш, оилавий тарбия ва замонавий билим эгаллашнинг аҳамияти ҳақида фикр алмашилди. Тадбир иштирокчилари ёш авлодни иймонли, ор-номусли, ватанпарвар этиб тарбиялашда барча масъул эканлигини алоҳида таъкидлашди.

Ф.ШАХАБИДИНОВА,
маҳалла хотин-қизлар фаоли

СУЮҚ ЧИҚИНДИ ОҚИЗИШГАН ЭДИ

► *Табиат ва инсон*



Вилоят Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бошқармаси, вилоят Прокуратураси, вилоят Ички Ишлар бошқармаси ва Миллий Гвардия бошқармаси билан ҳамкорликда тузилган ишчи гуруҳ туманимиздаги “Тарнов” маҳалласига қилинган рейд давомида белгиланмаган жойга суюқ чиқинди оқизган фуқароларни аниқлади. Уларга нисбатан МЖтКнинг тегишли моддалари билан маъмурий баённомалар расмийлаштирди ва жарима чорасини қўллади.

Она табиатни асраш ҳар биримизнинг бурчимиз ҳисобланади. Унга беписанд муносабат эса тегишли жавобгарликка сабаб бўлади.

РАСМЛАРДА ТАБИАТ МАДҲИ

33-мактабда вилоят Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бошқармаси, Республика Тасвирий оина ижодий уюшмаси, Экопартия Тошкент вилояти Кенгаши, Миллий тикланиш партияси вилоят Кенгаши ҳамкорликда “Табиатни асраш – инсонни, Ватанни асраш демакдир” номли кўчма фото ва тасвирий санъат асарлари кўргазмасини ташкил этишди.



Тадбир давомида ёш авлодга мутахассислар томонидан мавзу моҳияти видеороликлар орқали тушунтирилди. Шу билан бирга ўқувчилар ўзлари чизган расмларни шарҳлаб ҳам беришди. Тадбир давомида мавзуга доир кўргазмалар намойиши билан ҳам танишилди.

Тадбир якунида расмлар танловида фаол иштирок этган ўқувчилар фахрий ёрлиқлар ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Б.ХУДОЙБЕРДИЕВ,
туман Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бўлими бош мутахассиси.

► *Мулоҳаза*

ЁШЛАРНИ МАЪРИФАТЛИ ҚИЛИБ ТАРБИЯЛАЙЛИК

Бугунги глобаллашув даврида жамият тараққиётининг асосий омили – маърифатли ва онгли авлод тарбиясидир. Ёшларни тўғри тарбиялаш, уларнинг дунёқарашини соғломлаштириш ва маърифат билан қуроллантириш нафақат ота-она, балки бутун жамиятнинг бурчи ҳисобланади. Тарих ва ҳаёт тажрибаси шуни кўрсатадики, илм ва маърифат йўлига қадам қўйган халқ юксалган, илмдан юз ўгирган жамият эса таназзулга учраган. Шу маънода, маърифат ёшлар учун нафақат билим олиш воситаси, балки уларнинг маънавий иммунитети ҳамдир.

Маърифатли ёшлар сохта ғояларнинг таъсирига берилмайди, мустақил фикрлайди ва тўғри қарор қабул қилади, жамият тараққиёти ва миллат манфаати йўлида масъулиятли фаолият олиб боради. Бу – ҳар қандай давлатнинг барқарорлиги ва келажаги учун энг муҳим кафолатлардан биридир.

Оилани маънавий тарбия бешиги деб бежиз айтишмайди. Оилада берилган биринчи сабоқлар боланинг бутун ҳаётига таъсир қилади. Шу боис фарзанд тарбиясида ота-онанинг масъулияти катта. Китоб ўқишга муҳаббат уйғотиш, ахлоқ-одобни ўргатиш, илмга интилиш руҳини шакллантириш – маърифатли ёшлар етиштиришнинг пойдеворидир.

Иккинчи навбатда таълим муассасаларидаги таълим-тарбия муҳим аҳамиятга эга. Устозлар нафақат билим бериш, балки ёшларни ватанпарварлик, меҳр-шафқат, бағрикенглик руҳида тарбиялашда асосий ўрин тутади.

Жамият эса ёшлар учун маънавий соғлом муҳит яратади. Бугунги ахборот асрида бу жуда муҳим. Интернетда тарқалаётган турли ёт ғоялардан ёшларни асраш учун китобхонлик маданиятини ривожлантириш, маънавий-маърифий тадбирларни кўпайтириш, ахборот майдонида тоза ва ишончли манбаларни оммалаштириш талаб этилади.

Маърифат билан қуролланган ёшлар жамият олдидаги бурчини англайди. Улар ота-онага ҳурмат, ватанга садоқат ва жамият манфаати йўлида масъулиятни ўз зиммасига олади. Бу ҳиссиёт келгуси авлодларнинг соғлом тарбияси ва мамлакат равнақи учун замин яратади.

Шу боис ҳар биримиз авлод тарбияси ва маърифатини таъминлашда ўз масъулиятимизни чуқур ҳис этишимиз, ёшлар учун илм ва маърифат эшикларини кенг очишимиз шарт.

Ш.УСМОНОВ,
туман ИИБ ТККБ катта тезкор вакили.

”СОҒЛОМ ҲАЁТ САРИ 5000 ҚАДАМ” КЎТАРИНКИ РУҲДА ЎТДИ

Зангиота туманида навбатдаги “Соғлом ҳаёт сари 5000 қадам" шиори остидаги юриш тадбири Убай Мусаев номидаги стадионда ўтказилди.



Марафонда туман ҳокимлигининг барча бўлимлари, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, ходимлари, маҳаллалар раислари, нуронийлар, болалар, ёшлар – соғлом бўлишни истаган инсонлар иштирок этишди.

Марафон олдидан сўз олган туман ҳокими ўринбосари Сирожиддин Насиров, туман “Нуроний” жамғармаси раиси Облоқул Жўраев, ёшлар вакиллари юртимизда спортни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар, спортчиларнинг дунё ареналарида қўлга киритаётган ютуқлари ва албатта, спортнинг инсон саломатлигига ижобий таъсири ҳақида сўзладилар. Юришга старт берилди.

– Маҳалламизда биз ёши катталар ўз соғлиғимизга эътибор берган ҳолда вақтимизни бадантарбия, пиёда юришга ажратамиз ва буни кундалик одатга айлантирганмиз, – дейди “Эски қалъа” маҳалласи фаоли Замира Жўраева. – Бугунги тадбир биз учун ҳам айни кўнглимиздаги иш бўлди. Иштирокчиларнинг кўтаринки кайфияти, шодон кулгулари, мусиқа садолари – бари мени ёшартиргандек бўлди. Байрам тусини олган шундай тадбирни уюштирган ташкилотчиларга барча зангиоталиклар номидан миннатдорчилик билдираман. Илохим юртимиз тинч, инсонларнинг бари соғлом бўлсин.



Шу куни юриш марафони тиббий кўрик тадбирига уланиб кетди. Тадбир иштирокчилари ҳудуддаги 16-оилавий поликлиникада тиббий кўрикдан ўтдилар.

Дилбар ШАРИПОВА.





“МЕДИА ЁЛЛОВ”НИНГ ОҚИБАТИ

Зангиота туманида рўйхатда туриб қўшни туманда истиқомат қилувчи, 23 ёшни қаршилаган Ж.Т. айни ҳаётдан ўз ўрнини топиб, элу юртга нафи тегадиган бир пайтда ҳадеб телефонга муккасидан кетиш оқибатида нотўғри йўлларга қандай қилиб кириб қолганлигини сезмай қолди. Тақиқланган маърузаларни мунтазам эшита бошлади. Натижада нотўғри даъват таъсирига тушиб, “хижрат” ва “жиҳод” қилиш амалларини бажаришликни ният қилди.

► *Огоҳ бўлинг!*

У Сурия давлатига боришдан аввал кофирларга қарши жанг қилаётган мусулмон биродарларини ижтимоий тармоқларда медиа тарғибот ишларини амалга ошириш орқали Ўзбекистон Республикасидан туриб қўллаб-қувватлаб турган ҳолда инстаграмда профилини очиб, ушбу каналларга доимий равишда Ўзбекистон Республикасида фаолияти тақиқланган маърузачиларнинг “тоғут”, “тавхид”, “хижрат” ва “жиҳод” хақидаги диний материалларини жойлаштирган, “медиа ёллов” амалларини бажариб келган. Шунингдек, инстаграмда ўзи билан фикрдошларни топган, танишган, ўзи билан бирга қандолатчилик цехида бирга ишлаётган ишчиларни ҳам даъват қила бошлаган. Шулардан бири андижонлик 21 ёшли М.Қ билан биргаликда диний билимлар олган. Натижада М.Қ ҳам инстаграмда профилларини очиб, ушбу каналларга доимий равишда Ўзбекистон Республикасида фаолияти тақиқланган маърузачиларнинг диний материалларини жойлаштириб, “медиа ёллов” амалларини бажариб келган.

Бундан ташқари Ж.Т. бошқа фуқароларни ҳам нотўғри йўлларга бошлаб, уларнинг онгини заҳарлаган. Натижада янгийўллик мактаб ўқувчилари А.А, Б.А, пойтахтлик 32 ёшли Ж.Ю, 20 ёшли Т.Ж, О.Ж.лар ҳам Ж.Т.нинг даъватларига учиб, нотўғри йўлларга кириб қолишган.

Зангиота тумани ИИБ ТҚХ Терроризмга қарши курашиш бўлими ва ДХХ ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган тезкор тадбир давомида уларнинг барчаси қўлга олиниб, айбларига иқрор бўлишди.

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитасининг 2025 йил 11 сентябрдаги хулосасида, Ж.Т томонидан тарқатилган диний мазмундаги материалларга ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилганлиги тўғрисида хулоса берилган.

Инсон учун Ватандан-да улуғ макон, даргоҳ йўқ. Ўтмишда Ватанни деб қанчадан-қанча аждодларимиз жон олиб, жон беришди, унинг ҳар қарич тупроғини азиз билиб, ҳимоя қилишди. Бугунги мустақиллигимиз уларнинг энг олий орзуси эди. Не бахтки, бунга эришишлик бизга насиб этди. Озод ва обод юртимиз соат сайин катта, бетакрор гўзалликлар ва юксалишларга юз тутмоқда. Юрагида юрт ишқи ёнган одам борки, унинг равнақи йўлида ҳормай-толмай хизмат, меҳнат қилмоқда. Мустақиллимизни асраш эса ҳар биримизнинг ўз қўлимизда. Бунинг учун, аввало, болалар, ёшлар тарбиясига алоҳида, масъулият билан эътибор қаратайлик. Токи бугунги технологиялар энг юқори чўққиларни забт этаётган бир пайтда ёшларимизни интернетдаги ёт ғоялар, бузғунчи кимсаларнинг таъсири остига тушиб қолишларидан асрайлик. Ёнгинамиздаги хавф ёшларимизни ўз домига тортиб кетишидан огоҳ бўлайлик.

Ж. ИСЛАМШИКОВ,
Тошкент вилояти ИИБ ТҚКБ масъул ходими. подполковник

► *Назорат-таҳлил тадбири*

ТОЗА ИЧИМЛИК СУВИ ТАЪМИНОТИ ҚАЙ АҲВОЛДА?

Халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари жамоатчилик вакиллари иштирокида "Тошкент вилояти сув таъминоти" АЖ Зангиота тумани филиали томонидан амалга оширилган ишларни ўрганиш бўйича назорат-таҳлил тадбирини ўтказишди.



Туман Кенгаши депутатлари М. Қорахўжаев, Г. Турсунова, "Истиқбол" газетаси бош муҳаррири в.б. Д. Шариповалар "Зарафшон" маҳалласида жойлашган ВУ-3 сув тақсимлаш, "Асил" маҳалласидаги "Хўжамозор" сув иншоотларида бўлиб, аҳолининг сув истеъмолига бўлган талабларини таъминлаш мақсадида амалга оширилган ишлар билан танишдилар.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ичимлик сув таъминоти ва оқова сув тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-343 сонли қарорининг амалдаги ижросини ҳам ўрганиб чиқдилар.

Депутатлар томонидан кузқиш мавсумига тайёргарлик кўриш бўйича бажарилиши лозим бўлган ишлар ҳолати ҳам кўздан кечирилди, мутасаддиларга зарур тавсиялар берилди.

Ж.АМИРОВА.

ТУМАНДОШЛАРИМИЗ ҒОЛИБ

Жорий йилнинг 22–31 октябрь кунлари Баҳрайн қироллигининг пойтахти Манама шаҳрида бўлиб ўтаётган III Ёшлар Осиё ўйинларида туманимиз спортчилари муносиб натижалар билан иштирок этмоқда.

► *Спорт*



Жумладан, 1-сон спорт мактаби вакиллари – Музаффар Нурхўжаев ва Достон Абдувалиевлар муай тай йўналишида Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилиб, юртимиз спорти тарихида янги саҳифа очишди.

Музаффар Нурхўжаев рақибларига имкон қолдирмай, мутлақ ғалаба билан олтин медални қўлга киритди. Достон Абдувалиев эса бронза медали соҳиби бўлди.

Бу ютуқлар ёш спортчиларимизнинг меҳнатсеварлиги, ғалабага бўлган ишончи ва мураббийлар жамоасининг фидокорона меҳнати самарасидир.

Луиза ТУРАБЕКОВА.

► *Диққат!*

ПЕНСИЯ ЖАМҒАРМАСИ ТИЗИМИДА “КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ОЙЛИГИ” ЎТКАЗИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижро этувчи аппаратининг 2025 йил 27 октябрдаги 23/2-38-сон буйруғига мувофиқ, жорий йилнинг 1 ноябридан 30 ноябрига қадар “Коррупцияга қарши курашиш ойлиги” ўтказилади.

Ойликдан кўзланган мақсад – коррупцияга қарши курашиш тизими самарадорлигини ошириш, коррупциявий ҳаракатларни ўз вақтида аниқлаш, уларга барҳам бериш, уларнинг оқибатлари, келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этишдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси шу муносабат билан Пенсия жамғармаси тизимининг барча ходимларини ва фуқароларни ушбу ойликда фаол иштирок этишга чорлайди.

Коррупцияга қарши курашиш ва мурожаатлар билан ишлаш ойлигида коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш, ишларни меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ташкил этиш, коррупция хавф-хатарлари ва манфаатлар тўқнашувини ўз вақтида аниқлаш ҳамда уларга чек қўйиш, қонун бузилиши ва коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар бериш каби қатор профилактик чораларни амалга оширилиши пенсия таъминоти соҳасида ижобий натижаларга эришилишига олиб келади.

Пенсия жамғармаси тизими ходимларининг коррупцион ҳуқуқбузарликлари ҳақида Пенсия жамғармасининг қуйидаги алоқа каналларига мурожаат қилишингиз мумкин:

Ишонч телефони: “1271”

Веб-сайт: gov.uz/pj

E-mail: pension_uz@imv.uz

Facebook: https://www.facebook.com/pensiyauzb

Instagram: https://www.instagram.com/pensiyauzb/

Телеграм боти: @pensiyauzbot

Алоқа каналлари орқали келиб тушган хабарлар бўйича мурожаатчи ҳақидаги барча маълумотлар сир сақланади.

► *Истеъмолчи*

Жамиятимизга “Обод” маҳалласида яшовчи фуқаро И.Ш.дан мурожаат келиб тушди. Истеъмолчи “Сув таъминоти” АЖ томонидан асоссиз қарздорлик ҳисобланаётганидан норозилигини билдирганди.

НОРЕАЛ ҚАРЗДОРЛИК БАРТАРАФ ЭТИЛДИ

Ушбу мурожаат мутахассислар томонидан ўрганиб чиқилди. Ўрганиш жараёнида мурожаатчининг хонадонидаги ичимлик суви тармоғидаги биллинг тизимида қарздорлик мавжуд эмаслиги аниқланди ва унинг мурожаати ижобий ечим топди.

Шу ўринда эслатиб ўтамиз: Сиз ҳам истеъмолчи сифатида ҳуқуқларингиз бузилган ҳолларда 1091-ишонч телефонига ўз мурожаатларингизни қолдиришингиз мумкин.

Аваз ХОЛМАТОВ,
туман Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти раиси.

► *Расмий муносабат*

ГРИППМИ ЁКИ БОШҚА КАСАЛЛИК?

Ижтимоий тармоқларда болалар орасида мавсумий ўткир респиратор вирусли касалликларга ўхшаш, лекин ич кетиш ва қайт қилиш симптомлари бўлган инфекция тарқалаётгани билан боғлиқ хабарлар эълон қилинмоқда.

Ушбу ҳолат юзасидан қуйидагилар маълум қилинади.



Сир эмас, ҳаво-томчи йўли орқали юқадиган ўткир респиратор вирусли инфекциялар мавсумий характерга эга бўлиб, кузда ҳарорат пасайиши билан касалланиш кўрсаткичлари бирмунча ортади.

Кузатувларга кўра, шамоллаш мавсумининг бошланиши одатда август ойи охири ва сентябрь ойига тўғри келади. Жорий йилда эса бу муддат бироз кечроқ – октябрь ойининг охирги 10 кунлигида бошланди. Яъни бу ижтимоий тармоқларда айтилаётганидек, ҳеч қандай ғайриодатий ҳолат эмас.

Баъзида респиратор белгилар йўталиш, аксириш, бурун ачишиши, тана ҳарорати кўтарилиши билан кузатилса, айрим беморларда ошқозон-ичак тизимининг бузилиши тарзида намоён бўлади. Демак, бу хасталиклар ҳар доим ҳам бир хил кечмайди ва мазкур ҳолат вируснинг штаммлари билан боғлиқ.

Яна бир муҳим жиҳатни эсдан чиқармаслик керак. Бир пайтнинг ўзида бактериал ва вирусли инфекциялар авж олиши қайд этилмайди. Яъни микроорганизмлар оламида шундай бир жараён борки, бири иккинчисининг кўпайишига йўл қўймайди.

Мавсумий респиратор касалликлар авж олишини коронавирус мутацияси сифатида баҳолаш ҳам мутлақо ўринсиз. Қолаверса, бугунга келиб COVID-19 оддий респиратор инфекцияга айланиб улгурган. Ҳозирги пайтда мамлакатимизда коронавирус бўйича вазият барқарор.

Айтиш жоизки, ҳозирда тиббиёт муассасаларида ўткир респиратор вирусли инфекцияларни даволаш учун зарур ўрин-жой ва дори-дармон захиралари яратилган. Юртимиздаги эпидемик вазият мунтазам мониторинг қилиб борилмоқда.

Соғлиқни сақлаш вазирлигида алоҳида штаб тузилиб, унга Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси вакиллари, соҳа олимлари, тизим мутасаддилари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан оналик ва болаликни муҳофаза қилишга масъул мутахассислар жалб қилинган.

Шу ўринда ота-оналарга касаллик белгилари кузатилган фарзандларини ўз вақтида оилавий шифокор кўригига олиб бориш тавсия этилади.

Умуман, Ўзбекистонда эпидемиологик вазият барқарор. Шу боис ҳеч қандай хавотирга ўрин йўқ.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги



УНГА “МИЛЛАТЧИ” ДЕБ ТАМҒА БОСИШГАНДИ

Мажид Қодирий Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур даҳасидаги “Қорёғди” маҳалласида, диндор оилада, 1886 йил 2 октябрь (ҳижрий 1304 йил Муҳаррам ойининг 4-куни) да таваллуд топган. Отаси Абдул Қодирхонқори диний идора ходими бўлган.

Мажид Тошкентнинг эски шаҳар қисмидаги мактаблардан бирида таълим олган. Сўнгра мадрасада таҳсилини тамомлаган. У форс, араб, усмоний турк, рус ва инглиз тилларини мукаммал билган.

Мажид Қодирий дастлабки меҳнат фаолиятини Тошкентдаги “усули-савтия” (эски усул) мактабда бошлаган. 1906 йилдан бошлаб рус-тузем ва янги усул мактабларида таълим берган. У 1917 йилдаги октябрь тўнтарилишига қадар Тошкентдаги ўрта мактабларда дарс берган ҳамда уларда мудирлик қилган. 1913 йил охирларида ташкил этилган “Турон” жамиятининг иштирокчиси, “Шўрои исломия” (1917), “Миллий иттиҳод” (1919) ташкилоти аъзоси бўлиб, миллий зиёлилар билан бирга фаолият олиб борган. Тошкентда жадидчилик ҳаракати томонидан ташкил этилган “6-Турон мактаби”га (1918–1921) мудирлик қилган. Тошкентдаги табиий ҳамда тарих фанлари педлабораториясида (1920–1921) мудирлик қилган. Тошкент шаҳрида зиёлилар томондан ташкил этилган Бойскаут мактабида (1921) дарс берган. У кейинги меҳнат фаолиятини Туркистон давлат университетининг эски шаҳар ишчи факультетида (1921) ўзбек тили муаллими сифатида давом эттирган.

У 1921–1923 йилларда Ишчи факультети декани ҳамда университетнинг “Тажриба-изланиш” лабораториясида мудир лавозимларида фаолият юритган. Шу даврда жадид маърифатпарварлари томонидан тузилган “Нашри маориф” жамиятининг ташкилотчиси ва аъзоси сифатида фаолият олиб борган. Унга 1923 йилнинг 23 мартида мамлакат тараққиёти йўлидаги алоҳида меҳнатлари учун “Меҳнат Қаҳрамони” унвони берилган. Шунингдек, у 1923-1925 йилларда “Табиатни муҳофаза қилиш” музейи мудири ҳамда Тошкент эски шаҳар вақф шўъбаси ходими (1924), 1925 йилдан бошлаб Ўрта Осиё осори атиқаларни сақлаш қўмитаси ходими бўлиб фаолият олиб борган.

У Ўзбекистон ССРнинг вакили сифатида 1925 йилда Парижда очилган кўргазмада иштирок этган. Парижга кетаётиб, Берлинда тўхтаб, Германияда таҳсил олаётган ўзбек талабалари билан учрашган.

Мажид Қодирий 1928 йилда Ўрта Осиё давлат университети қошида ташкил этилган “Физика кабинети” мудири ҳамда Ишчи факультетида декан ҳамда тарих фанлари бўлимининг мудири (1928–1930) лавозимларида ишлаган. У 1929-1930 йилларда танқидга учраб сохта айблар билан айбланган. Шундан кейин ҳам, яъни 1930 йилдан Тошкентдаги мактабларда муаллим, Ўрта Осиё университетида ўқитувчилик қилган.

Мажид Қодирий биринчи ўзбек тилида чоп этилган ва янги-услуб мактабларида таълимга тадбиқ этилган “Ҳисоб” (Математикадан бошланғич таълим асослари, 1910 йил) арифметика китоби, “Жуғрофия», (1911) ва чиғатой-туркий (ўзбек) тилдаги грамматика китобларининг муаллифидир. Мажид Қодирий Туркистон таълим соҳасида ислоҳотларни амалга ошириш ва ўзбек халқининг саводхонлик даражасини ошириш йўли билан озодликка олиб чиқишнинг тарафдори эди. У маориф ва маданият соҳасида, ўзи ишлаган соҳалардаги муаммолар ҳамда Туркистон тараққиётига оид милллий матбуот саҳифаларида мақолалар эълон қилган.

Унинг турмуш ўртоғи Меҳринисохон Мирсоатова эди. Уларнинг 6 нафар фарзандлари бўлган. Ўғиллари Қуддусхон, Рамзихон, Рашодхон, Эркинхон, Ўткирхон ва қизлари Нафисахон.

Мажид Қодирийга қарши дастлабки тақиб 1929 йилдан бошланган. Исботи топилмаган гумонлар билан айбланиб 1929 йилнинг бошида Коммунистик партия аъзолигидан маҳрум этилди. У 1930 йилда барча масъул лавозимлардан бўшатилади. Сабаби, 1929-1930 йиллардаги пролетариат ҳамда совет ҳукумати тарафдорлари томонидан уюштирилган туҳматлар ҳамда матбуотда босилган фельетонлар эди.

У 1937 йилга қадар кузатув остида бўлди ва шу йили НКВД ходимлари томонидан “миллатчилик” айби билан қамоққа олинган. Расмий ҳужжатларда 1938 йилнинг 2 апрель куни ҳибсга олинган деб кўрсатилган.

Мажид Қодирийнинг исми Ўзбекистон ССР бўйича “Сталиннинг отиш рўйхатлари”га киритилган. Бу рўйхатда партия, халқ хўжалиги, ҳарбий ва илм-фан соҳасида ишлаб келган юқори ва ўрта даражадаги раҳбарлар бор эди. Рўйхатлар НКВД органлари томонидан тергов якунланиши билан тузилиб, ВКП(б) Марказий Қўмитаси Сиёсий бюросига тасдиқлаш учун юборилган. 2–5 аъзонинг тасдиқланиши билан тергов ишлари “юридик расмийлаштириш” учун СССР Олий суди Ҳарбий ҳайъатига юборилган.

Рўйхатлар тоифаларга ажратилган бўлиб, 1- тоифага отиш, ўлим жазосига ҳукм қилинганлар киритилган. Олий суд Ҳарбий ҳайъати томонидан ишни кўриб чиқиш учун кўпи билан 20–30 дақиқа вақт ажратилган, қарор устидан шикоят қилиш имконсиз, ҳукмни ижрога яқин соатлар ичида келтирилиши билан амалга оширилган. Мажид Қодирий киритилган рўйхат 1938 йил 12 сентябрда Сталин, Молотов ва Жданов томонидан тасдиқланган. Ҳукм 1938 йилнинг 5 октябрь куни ижро этилган. Ўша куни Мажид Қодирий отиб ташланган.

(Jadidlar.uz saytidan olindi)

► *Қонунчиликдаги янгиликлар*

5 МАЙ “КАСБ ВА МЕҲНАТ КУНИ” СИФАТИДА НИШОНЛАНАДИ

“Касбий таълим тизимида ислоҳотларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори (ПҚ-316-сон, 23.10.2025 й.) қабул қилинди.

Қуйидагилар касбий таълим тизимини 2030 йилга қадар ислоҳ қилишнинг асосий мақсадли кўрсаткичлари этиб белгиланди, жумладан:

халқаро ва қўшма таълим дастурлари жорий этилган техникумлар сонини камида 250 тага етказиш;

9-синф битирувчиларининг касбий таълим билан қамровини амалдаги 29 фоиздан 50 фоизга етказиш;

хорижда малака ошириш ва стажировка ўташ дастурларида иштирок этган педагоглар сонини 100 нафардан 2 500 нафарга етказиш.

Мактабнинг 10-синф ўқувчиларига ўқишини техникумларга кўчиришга рухсат берилади.

2026 йилдан бошлаб 5 май куни “Касб ва меҳнат куни” сифатида ҳар йили кенг нишонланади ҳамда унинг доирасида жамоатчилик, айниқса, ёшлар орасида касблар жозибадорлигини ошириш ва касбий таълимни оммалаштиришга қаратилган тадбирлар тизимли равишда амалга оширилади.

МАЪНАВИЯТ ВА ДАВЛАТ ТИЛИ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА МАСЛАҲАТЧИ ЛАВОЗИМИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

“Давлат тилини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарори (ПҚ–308-сон, 20.10.2025 й.) қабул қилинди.

Давлат тилини янада ривожлантиришнинг асосий мақсадлари этиб қуйидагилар белгиланди, жумладан:

мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча соҳаларида давлат тили имкониятларидан тўлиқ ва самарали фойдаланишга эришиш;

давлат тилининг софлигини сақлаш ва унинг луғат бойлигини мунтазам ошириб бориш;

давлат тилининг халқаро миқёсдаги ўрни ва нуфузини ошириш, хорижий ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш.

2026 йил 1 январдан бошлаб республика даражасидаги давлат органлари ва хўжалик бирлашмаларининг марказий аппаратларида ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) ҳокимликларида бошқарув ходимларининг белгиланган умумий чекланган сони доирасида раҳбарнинг маънавият ва давлат тили масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозими жорий этилади.

2026 йилдан бошлаб:

таълим қардош тилларда олиб бориладиган умумий ўрта таълим ташкилотлари учун ўзбек тилини ўргатиш бўйича дарсликларнинг даврийлиги асосида янги авлоди яратилади:

мактабгача таълим ташкилотларида ўзбек тилини ўргатиш бўйича педагоглар учун ўқув қўлланмалари ишлаб чиқилади:

мактабгача таълим ёшидаги болалар учун “Менинг илк изоҳли луғатчам” расмли луғат китоби яратилади;

болаларга ўзбек тилини ўргатиш бўйича замонавий анимацион видео ва аудио маҳсулотлар ишлаб чиқилиши ташкил этилади.

ISTIQBOL

2025-yil 31-oktyabr / Juma / № 43 (6195)

Зангиоталик ҳамкасблар! Улар кимлар? Улар орасида ўтган асрнинг 70-йилларидан бошлаб ҳокимлик, хўжалик, ташкилот, бўлимлар раҳбари бўлиб ишлаганлардан тортиб, оддий мутахассисларгача бор. Бугун уларнинг аксарияти қарилик гаштини суриб, невара, эваралар тарбияси билан банд бўлса, айримлари ҳануз халқ хизматида. Бу софдил одамларни эса бир нарса бирлаштириб туради: меҳр-оқибат, бирдамлик.



Дийдор ширин, юрак тўймайди

Ўтган асрда уларнинг олдида туман равнақи, ободлиги, одамларга яхши яшаш шароитлари яратиб бериш, таъминот каби кўплаб масалалар кўндаланг бўлиб турган, ўтиш даврининг машаққатлари, мустақилликнинг илк йилларидаги қийинчиликларидан матонат билан ўтишган. Бугун эса ўша пайтлардаги сермашаққат меҳнатларининг самарасини кўриб, энг бахтли инсонлар қаторида ҳаёт кечиришмоқда. Улар ҳамон борди-келди қилишади, ҳамфикр, ҳамнафаслар. Энг аҳамиятлиси, “Зангиоталик ҳамкасблар” каналини очишганлиги боис бир-бирларининг аҳволидан ҳамиша хабардорлар.

Бу сафар дили дилига, кўнгли кўнглига яқин одамлар бир дастурхон атрофида жам бўлдилар. Туманда 50 йилдан ортиқ турли раҳбарлик лавозимларида ишлаган, бугунги кунда эса туман Ўзбекистон фахрийларнинг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси туман бўлими раҳбари бўлиб фаолият юритиб келаётган Облоқул ака Жўраев учрашувни кириш сўзи билан очар экан, туманда ишлаб кетган фидойи раҳбарларни бирма-бир тилга олди, уларнинг ҳаётлари ва меҳнатларини алоҳида эътироф этди.

Бир пиёла чой устидаги суҳбат, ҳазил-мутойиба қизиган-дан-қизиди. Туманда турли лавозимларда ишлаган Озод ака Бобожонов учрашувга ўзгача файз киритди.

– Етти хил етим бўлар-кан, – деди у. – Агар ер бўлсаю, унга қаралмаса ер етим бўлади, агар сув бўлсаю сув ости жонзотлари бўлмаса сув етим бўлади... Агар ватан бўлсаю ватанпарварлари бўлмаса, Ватан етим бўлади. Бизнинг юртимиз, туманимиз етим эмас. Унинг сизлар каби миллионлаб ватанпарварлари бор.



Шундан сўнг гап навбати туманда кўп йиллар Фавқулодда вазиятлар бўлими бошлиғи бўлиб ишлаган Фозил ака Алимовга етиб келди. У доимгидек сўзининг аввалини ўзи ёзиб келган шеър билан бошлади:

Дўстлик болаликдан,
Жигарлар бир томирдан,
Аммо касбдош меҳнатидан
Меҳр, қадр топганлар
Касбдошни кўрса
Кўзлар қувнайди,
Хаста юрак ўйнайди,
Дийдор ширин, ҳеч тўймайди...

Фозил ака шеър билангина чекланиб қолмади, ўзининг босмадан чиққан энг сара ҳикматли сўзлар жамланган “Ҳикматлар хазинаси” китобини тақдим этди.

Дилором опа Тошмедованинг туманимизга 50 йилдан ортиқ меҳнатлари сингган. Опанинг мактаб раҳбари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси, маҳалла жамғармаси раиси каби кўплаб лавозимларда ишлаган йиллари маҳалла аҳлининг тотувлиги, маҳалла ободлиги, хотин-қизларнинг яшаш шароитларини яхшилаш, оилаларни мустаҳкамлаш кабилар борасидаги фидокорона меҳнатларини туман аҳли ҳар доим яхши гаплар билан эслайди.



– Бугун туманимизни кўрган одамнинг кўзи қувнайди, – дейди Дилором опа. – Кунда бир ўзгариш. Одамларнинг яшаш шароитлари яхшиланиб бормоқда. Қайси соҳани олиб қараманг, ижобий ўзгаришларнинг гувоҳи бўласиз. Шуларни кўриб туриб бизларнинг ишларимизни ҳозирги авлод сабот билан давом эттираётганлигини мамнуният билан эътироф этгим келди. Демак, меҳнатларимиз зое кетмаган.

Бу каби дил сўзлари давранинг бошқа иштирокчилари тилларида ҳам янгради. Айниқса, кўп йиллар туман ҳокимлигида туман ҳокими ўринбосари, умумий бўлим мудири каби вазифаларда ишлаган Акбар Дадабоевнинг ҳазил-мутойибалари, туман Маданият бўлимининг хонандалари учрашувга алоҳида кўтаринкилик ва завқ-шавқ бағишлади.

Учрашув сўнгида тадбирни ташкил этишга бош-қош бўлган Кифоят Эрмуҳамедова, Шавкат Акромов ва бошқа ташкилотчиларга миннатдорчилик билдирилди. Кейинги дийдоргача хайрлашар эканмиз, ҳамманинг хаёлидан Фозил аканинг шеъридаги гўзал мисралар кечди: Касбдошларни кўрса, кўзлар қувнайди, дийдор ширин, юрак тўймайди...

Жамила АРСЛОНОВА,
Дилбар ШАРИПОВА.



ISTIQBOL

Muassis: Zangiota tumani hokimligi

Bosh muharrir vazifasini bajaruvchi
Dilbar SHARIPOVA

Tahririyat manzili: Eshonguzar qo‘rg‘oni, tuman hokimligi binosi.
Telefon: 70-97-53-286.

Gazeta haftaning juma kuni chiqadi.
Hajmi 2 taboq, qog‘oz bichimi A3.
Ofset usulida bosildi. Bahosi erkin narxda.

Bosishga topshirish vaqti: 12.00
Bosishga topshirildi: 12.00
1 2 3 4 5 6

Gazeta tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Navbatchi: Jamila ARSLONOVA

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida 2012 yil 24 iyulda 03-015 raqami bilan ro‘yxatga olingan. Nashr indeksi: 64895

“Sharq” nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Toshkent shahri, “Buyuk Turon” ko‘chasi, 41. Adadi – 2850. Buyurtma № G-1014.

ISSN 2181-61820